

Аёрхо бинти Хонид (Мусонинг оналари) (иккинчи мақола)



15:00 / 30.12.2020 1706

Ҳомиладорлик ва қўрқув

Болалар учун ўлим йили бошланиши билан Аёрхо яна ҳомиладор бўлди. Билардики, агар ўғил туғилса, аскарлар уни ўлдиради! Қалбига қаттиқ қўрқув тушди. Қўшнисини эслади. Шайтон васваса қилди: «Ҳозир болангни туғасан, Фиръавн аскарлари уни қўлингдан олади, кўзинг олдида ўлдирадилар, бундан кўра ўзингни Нилга ташлагин! Бирга ўласан! Кўз олдингда болангнинг сўйилиш манзарасини кўтаролмайсан!» Аёрхо шайтон васвасасидан Аллоҳдан паноҳ сўради.

Бир куни коҳин Фиръавн олдига кириб шундай деди: «Бу йил ўша бола туғилади. У сендан подшоҳликни тортиб олади. Сенинг устингдан ғалаба қилиб, ўз ерингдан чиқаради, динингни ҳам ўзгартиради».

Фиръавн тезликда ҳомиладор аёлларни аниқлашга тушди. Аллоҳнинг ҳикматларидан бири шуки, бошқа ҳомиладор аёлларга ўхшаб Аёрхонинг ҳомиласи билинмади. Унинг қорнига ҳомилани аниқлаш учун қўлларини қўйишганида ҳомила орқага беркинарди. Аёлнинг орқасига қўлларини қўйишганида олд томонга беркинарди. Ойлар ўтиб боланинг туғилиш вақти яқинлашди. Кунлар сайин онанинг қўрқуви кучаярди. Ҳомиласини

кўриб қолишларидан, Фиръавн одамлари билиб қолишларидан чўчирди. Аллоҳ таолодан икки жонни саломат сақлашини ва Ўз паноҳида асрашини умид қиларди. Туғилиш вақти яқинлашди. Аёрхо уйга беркиниб олди. Қараса, ўғил! Қалбини қаттиқ кўрқув чулғади. Болани маҳкам бағрига босиб эмизди. Аллоҳ болани қандай қутқаришини илҳом билан қалбига солди. Ўғлини сандиқда Нилга оқизиб юборди. Аллоҳ таоло айтди:

مِّمَّ الْجِلِّيِّ هِيَ قَوْلُ أَفْهَيْ لَعَنَتْ فَخِ إِذْ إِفْ هِيَ عِضْرًا نَأَسُومُ مَأَلِي أَنْ يَحْوَ وَأَوْ
نِي لَسْرُ مَأَلِي نَمُ هُوَ لَعَجَ وَ كَيْ لِي هُوَ دَارَ أَنْ يَنْزَحَتْ أَلِ وَيَفَاحَتْ أَلِ

«**Биз Мусонинг онасига** (Мусони туғиб, уни ҳам Фиръавн одамлари келиб ўлдиришларидан кўрқиб турган пайтида) **ваҳий қилдикки: «Уни эмизавергин. Бас, қачон** (Фиръавн одамлари ўғил кўрганингни билиб қолиб, уни ўлдириб кетишларидан) **кўрқсанг, уни дарёга ташлагин ва кўрқмагин ҳам, қайғурмагин ҳам. Зеро, Биз уни сенга** (яъни, тирик ҳолида) **қайтаргувчидирмиз ва уни пайғамбарлардан қилгувчидирмиз»** (Қасос сураси, 7-оят).

Онаизор кўзлари тўла ёш билан сандиқ ортидан кузатиб қолди.

Гўдак Нил дарёсида Аллоҳнинг муҳофазасида оқиб борарди. Аллоҳ энг яхши муҳофазаловчи ва раҳмли Зотдир. Сандиқча Фиръавн қасри ёнида тўхтади. Подшоҳнинг аёли уни кўриб, югуриб келди ва ичидаги болани кўтариб олди. Қалбига боланинг муҳаббати тушди. У туғмаган, фарзандсиз аёл эди.

لِحِ اسْلَابِ مِمْ لِي هُوَ قَوْلُ يَلْفِ مِمْ لِي هِيَ فِدْقُ أَفِ تَوْبَاتِ لِي هِيَ فِدْقُ أَنْ
يَنْ يَعْ عِلْعَ نَنْ صُتْ لَوِ يَنْ مَّ بَحَمَّ كَيْ لَعْنُ تَيْ قَوْلِ أَوْ هَلَّ وَ دَعَوْ يَلِّ وَ دَعَوْ هَذَا أَيَّ

«**Уни** (яъни, Мусони) **сандиққа солиб дарёга ташлагин. Бас, уни дарё** (тўлқини) **соҳилга отсин.** (Шунда) **уни Менинг ҳам, унинг ҳам душмани - Фиръавн ушлаб олур».** (Эй Мусо, барчага суюкли бўлишинг) **ва Менинг ҳифзу ҳимоямда униб-ўсишинг учун Мен сенинг устингга Ўз томонидан бир муҳаббат ташладим** (яъни, сени кўрган киши суюб қоладиган ёқимтой бола қилдим)» (Тоҳа сураси, 39-оят).

Фиръавн сандиқдаги бола ўғил эканлигини билди, ўлдирмоқчи бўлди, лекин аёли уни ҳимоя қилди.

وَ أَنْ عَفَنِي نَأَسَعُ هُوَ لُتْ قَتِ أَلِ كَلِ وَ يَلِّ نِي عُنْ تَرْقُ نَوْ عَرْفُ تَأَرْمِ تَلِ أَوْ
نِ وَ رُغْ شِي أَلِ مَّ هُوَ أَدَلِ وَ هَذَا تَنْ

«Сенинг ҳам, менинг ҳам кўз қувончимиз бўлиб юрсин, менга ҳадя қилгин бу болани», деди. Подшоҳ рози бўлди. «Фиръавннинг хотини (унга): «(Бу бола) мен учун ҳам, сен учун ҳам кўз қувончидир. Уни ўлдирманглар. Шоядки, унинг бизларга нафи тегса ёки уни бола қилиб олсак», деди. Улар (ўзларининг ҳалокатлари шу гўдак қўлида эканини) сезмаган ҳолларида (уни бола қилиб олдилар)» (Қасос сураси, 9-оят).

Мусонинг онаси уйига қайтди. У кўп йиғлаган, маҳзун ҳолатда эди. Зеро қалбининг бир парчасини Нилга оқизиб келганди-да. Кўчага чиқиб «Дод, боламни қайтаринглар», деб бақиргиси келарди. Аллоҳ таоло унинг қалбига таскин берди, ниҳоят у юпанди, чунки мўмина аёл эди.

(Давоми бор)

«Мўминалар силсиласи» китобидан